



# ТОШКЕНТ ОҚШОМ

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСII ГАЗЕТАСИ

ДАВР САДОСИ  
БАРЧА МАБЛАЛАРДАН ОЛИНГАН БЎЎТИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Олий Мажлис Кенгашининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислохотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича Дастурларни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 2 июндаги Фармони билан тасдиқланган дастурий чора-тадбирларнинг бажарилиши муҳокама қилинди.
- **Кеча** Олий Мажлисда бўлиб ўтган машваратда «Жамоат бирлашмалари ҳамда Нодавлат ношарикат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонунларнинг Қорақалпоғистон Республикасида бажарилиши, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг Жиззах ва Сирдарё вилоятларида бажарилиши ва «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.
- Тошкентда «Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция: уни амалга ошириш, мониторинг ўтказиш ва сарҳисоб қилиш» мавзусида халқаро анжуман ўтказилди.
- Самарқандда ўтказилган анжуман «Юмшоқ ва қаттиқ материаллар микроструктураси фани ва технологияси муаммолари» мавзусида бағишланди.
- Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлигида «Ноғиронлар тиббий-ижтимоий реабилитациясининг долзарб муаммолари» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.
- Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институтида шу соҳа олий ўқув юртлиги ректорларининг умумий амалиёт шифокорларини тайёрлашга бағишланган семинар-кенгаши ўтказилди.
- Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий қўرғамалар залида бўлиб ўтган модлар фестивали «Болақонлар — ширинтойлар» деб номланди.
- Навоий шаҳрида пиво ишлаб чиқарадиган завод тақдироти ўтказилди.
- **Бугун** Муҳимий номидаги ўзбек Давлат мусикали театрида атоқли санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Раazzoқ Хамроев таваллудининг 90 йиллигига бағишланган хотира келаси бўлади.

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 132 (9.476) 2000 йил 8 ноябрь, чоршанба Сотувда эркин нархда

## Келажакка юз тутган шаҳар

### Метро:

Тошкентнинг 2015 йилгача ривожланиши бош режа лойиҳасида метрополитеннинг қурилишига катта аҳамият берилиб, келажакда бу ерда транспортнинг ривожланиши бўйича бир неча лойиҳалар тавсия этилган.

Улар ҳақида батафсил изоҳ беришни «Метро-лоиҳа» институтининг директори Одил ЗОКИРОВдан илтимос қилдик.



# КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

**Метро энг тезкор, энг самарали, умумий қилиб айтганда ҳар томонлама қулай транспорт воситаси эканлигини ҳеч ким инкор қилмас керак. Шунинг учун ҳам метро ҳақида гап борганда барчамизни аввало унинг эртанги кўни, қолаверса келажакда қизиқтириши бежиз эмас.**

Метрополитен ҳақиқатан ҳам нафақат транспорт сифатида, балки бир иншоот сифатида ҳам тенги йўқ ҳисобланади, деб ўйлайман ва бу фикримни барча тасдиқлаши шубҳасиз. Бошқа ҳамдўстлик давлатлари билан солиштирганда ҳозирги кунда фақат Ўзбекистондагина бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг муаммолари бўлмасин, бу ерда транспортнинг ҳар томонлама қулай жиҳатларини инобатга олган ҳолда, бор имкониятлардан фойдаланиб, метро қурилиш ишлари тўхтатилмасдан давом эттирилмоқда. Шу билан бирга янги лойиҳалар устида ҳам ишлар олаб боришмоқда.

Ҳозирги кунда метрополитеннинг 30,9 километрни йўлнинг 10 километрдан иборат иккита Чилонзор ва Ўзбекистон йўналишлари йўловчиларга хизмат кўрсатмоқда. Бундан ташқари, институти лойиҳалари асосида Юнусобод йўналишида қурилиш ишлари олиб боришмоқда. Унинг умумий узунлиги 12,5 километр бўлиб, саккиз бекатни ташкил қилади. Мазкур йўналишнинг «Лоҳутий»дан «Ҳамид Абдуллаев»гача бўлган беш бекатли биринчи навбати тугатилиши палласида ва уни Мустақиллигимизнинг 10 йиллик юбилейига топшириш кўзда тутилган.

Юнусобод йўналишининг «Ҳамид Абдуллаев»дан «Туристон» гача уч бекатдан иборат бўлган иккинчи навбатда ҳам қурилиш ишлари кетмоқда.

Айтиб ўтиш жоизки, бу ишлар осонликча ҳал бўлаётгани йўқ. Метро қури-

лиши, бошқа қурилишларга қараганда анча машаққатли ва катта маблағни талаб қилади. Юнусобод йўналишини мисол қилиб, рақамлар билан айтганда, мазкур йўналишнинг биринчи навбатида ҳаражатлар 910 миллион 440 минг сўмни, иккинчи навбатига эса — 105 миллион сўмни ташкил қилади (1991 йил ҳисобларига кўра).

Шунинг учун ҳам биз, лойиҳачилар олдида ҳукуматимиз томонидан катта вазифа — экспортбон — импорт ўрнини босадиган ишлов материалларини ишлаб чиқариш лойиҳасини ташкил қилиш қўйилган. «Малаган имкон топади», деганларни тўғри эсга. Биз узоқ изланишлар натижасида сезиларли ютуқларга эришдик. Чўян мосламаларнинг ўрнини босадиган янги технология кашф этилди. Бу ҳар томонлама пишшиқ, шу жумладан сейсмик жиҳатдан ҳам темир бетон қоршамасидан ускуна яратилиш лойиҳасини тавсия этиш, уни амалиётда кенг қўланишига лицензия ҳам олишга муваффақ бўлдик. Мазкур мосламаларнинг тажриба намуналари «5-темир-бетон махсулотлари» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилиб, ҳозирда Юнусобод йўналишининг бир километрни ма-софасидаги туннелларда

қўлланилмоқда. Ҳисобларимизга кўра бу ускуналар агарда кейинчалик ўзини оқласа икки баравар харажатларини қисқартиришга имконият беради. Шу ерда амалиётда қўлланилаётган яна бир иккинчи навбатида айтиб ўтмоқчиман. Бу туннелларда ҳалқа конструкцияларнинг мустаҳкамлигини оширишда муҳим бўлган жанжирсимон боғлов халқасидир. Унинг ишлатилиши ҳам сарф-харажатларни анча тежашга қўл келди.

Йигирма йил ичида орттирган барча тажрибаларимизни асос қилиб муҳокамага қўйилган пойтахтимизнинг 2015 йилгача бўлган бош режасига ҳам ўз ҳиссамизни қўшишга мушарраф бўлдик. Институти мутахассислари томонидан мазкур режада метрополитеннинг Чилонзор йўналиши Трактор заводига-ча 6,36 километр узайтирилиши тавсия этилган. «Буюк ипак йўли» бекатидан бошланадиган бу масофада яна учта бекат қуриш мўлжал қилинган. Ўзбекистон йўналиши ҳам «Беруний» бекатидан Қорақамчи даҳасигача узайтирилиши кўзда тутилган ва бу оралик 2,75 километр бўлиб иккита бекатга мўлжалланган.

Бундан ташқари давлат экспертизаси томонидан қури-

лаётган Юнусобод йўналишини кейинчалик янада узайтириш бўйича лойиҳа тасдиқланди. У асосида мазкур саккизта бекатдан иборат бўладиган йўналиш 5,9 километр Жанубий вокзалгача қўйилди ва бу масофада яна тўртта бекат қурилади.

Маълумки, Сергели мавзеси кенгайиб, ҳозирда энг зич турар жойлардан бири ҳисобланади. Янги бош режа бўйича келажакда метрополитеннинг Сергели йўналиши қурилиши мўлжал қилинган ва унинг техник-иқтисодий лойиҳаси ҳам тавсия этилган. Сергели йўналиши мавзени Отчопар бозори билан боғлаб, узунлиги 7,96 километр бешта бекатдан иборат бўлади ҳамда, кейинчалик «Отчопар» бекати Чилонзор йўналишининг «Соби Раҳимов» бекатигача 1,9 километрга узайтирилиб боғланади.

Ушбу Сергели йўналишининг лойиҳаси билан Хитойнинг «Ситик» компанияси яқиндан танишиб, биз билан ҳамкорлик тузиб, ўзининг инвестицияларини жалб этишга ҳозирлик қўймоқда. Бу дегани агарда ҳамкорлик шу тарихқа олиб борилса, барча лойиҳаларимиз тезлик билан бўлмас ҳам, лекин, албатта ўн йиллар ичида амалга ошириш турган гап.

Умумий олганда, тавсия

этилган лойиҳаларимиз бўйича Тошкент метрополитеннинг узунлиги 67,61 километр бўлиб, 46 бекатдан иборат бўлади. Бу, албатта келажакда мўлжалланган режалар. Аммо шу ерда бир муҳим нарсани айтиб ўтмоқчиман. Агарда бир неча йиллар ичида фақатгина Юнусобод йўналишининг иккинчи навбати фойдаланишига топширилса, у уч йўналишнинг бевосита халқа орасида диаметр у бурчак кўринишида боғланишига имконият беради, яъни Чилонзор йўналиши («Пахтакор» бекати) Ўзбекистон билан («Навоий»), Юнусобод йўналиши («Юнус Ражабий») Чилонзор билан («Амир Темур») ва Ўзбекистон йўналиши («Ойбек») Юнусобод билан («Минг ўрик»), Бу дегани йўловчилар баралла ўн йўналишнинг 31 бекатлари оралиб ҳам вақтларини тежаб, ҳам ортиқча харажасиз бемаълум бир йўналишдан иккинчисига ҳамда учинчисига ўтиб, керакли манзилларига етиб олишларига имконият очиб беради.

**Субхатини Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ходими Илмира ЗАЙНУТДИНОВА ёзиб олди.**

## Тошкент шаҳар ҳокимлигида

# КўКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ВА ОЗОДАЛИК ОЙЛИГИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги шу йил 10 ноябрдан 10 декабргача пойтахтни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитар ҳолатини яхшилаш бўйича ойлик ўтказишга қарор қилди. Унда шаҳар ҳудудида манзарали, мевали дархат кўчатлари ўтказиш, шаҳар туманларида мевали боғлар барпо этиш бўйича махсус дастурлар тасдиқланди. Жумладан, ободонлаштириш ойлиги давомида 5000 туп манзарали, 3500 туп мевали дархат кўчатлари, 45 минг туп бута ва терак

кўчатлари ўтказиш кўзда тутилган. Шаҳар туманларида жами 5,77 гектарлик мевали боғлар яратилди. Мевали дархатлардан олма, ўрик, беҳи, нок, гилос, олча кўчатлари ўтказилди.

Айни пайтда ойлик доирасида меҳнат жамоалари, маҳалла ва мавзела аҳолисини ўз ҳудудларини тозалаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига кенг жалб этиш чоралари белгиланди. Аҳоли ва меҳнат жамоаларини сафарбар этиш, ободонлаштириш, кўкалам-

зорлаштириш ва боғлар барпо этиш бўйича ишларни йўлга қўйиш бўйича тегишли идоралар, туман ҳокимликлари, иктисослаштирилган сугориш, кўкаламзорлаштириш ва гидро-техник иншоотлар трести зиммаларига конкрет вазифалар юклянди.

Пойтахтимиз янада гўзал, хавоси мусофа бўлиши учун, шаҳримиз боғ-роғларга бурканни учун ободонлаштириш ойлигида бутун шаҳар аҳли, ҳар бир фуқаро фаол иштирок этишига эришиш ҳаммамизнинг бурчимиз!

# ТЕРРОРЧИНИНГ ГҲЛОҲИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судида 12 нафар айбланувчи устидан давом этаётган суд жараёнида илгари судланган ва ҳозир жазо муддатини ўтаётганларнинг гувоҳлик кўрсатмалари бериши давом эттирилди.

«Ўзбекистон исломий ҳаракати» деб аталмиш террорчилар уюшмасининг раҳбарларидан бири — Тоҳир Йўлдошевнинг «ташкилчилар вазири» ҳисобланган Зайниддин Аскарлов ўз кўрсатмаларида Тожикистон ва Афғонистонда яширинган жиноятчилар ҳориждаги ҳомийларидан катта миқ-

дордаги пул маблағлари, қурол-яроғ олиб турганини ва бевосита халқро террорчи Усома бин Лоден билан боғлиқлигини маълум қилди. Т. Йўлдошев, Ж. Ҳожиёв ҳорижий мамлакатлардаги турли фундаменталистик исломий ҳаракатларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи махфий ташкилотга аъзо бўлиб, мазкур марказ раҳбарларидан 1998 йилда Ўзбекистонда «жиходни бошлашга» фатво олгани ислом экстремизмининг муайян бошқарув маркази мавжудлигидан далolat беради.

З. Аскарловнинг айтишича, ўзини «демократик муҳоли-

фат раҳбари» деб жар солиб, ҳориждаги турли ташкилот ва ҳомийларни лақиллатиб пулни олиб юрган Салой Мадаминов (Муҳаммад Солих) аслида Тоҳир Йўлдошевнинг

## Суд залидан

югурдагига айланиб қолган. Бундай товламачиликлари учун Т. Йўлдошев уни ҳатто жазолаган ҳам, яъни маълум муддат ўчоққа ўт ёқувчи — гўлоҳ қилиб қўйган. Умуман, мазкур жиноий гуруҳ раҳбарлари ўртасида ҳокимият ва обрў талашини авж олган бўлиб, бу йўлда улар ҳар қандай қабиҳлик-

лардан ҳам тоймаганлар. Шунингдек, гувоҳ Т. Йўлдошев, Ж. Ҳожиёв ва С. Мадаминов Ўзбекистонда ҳокимиятни эгаллаш борасида узоқ муддатли режалар тузгани, Тошкентдаги февраль воқеаларидан қўланган мақсад амалга ошмагач, террорчилик ҳаракатларини олиб бориш услуби ўзгаририлгани, Боткен, Сурхондарё, Янгиобод ва Бустонликдаги воқеалар бунинг натижаси эканини айтди.

Андижонлик тижоратчи Рустам Маматқулов Қозоғистоннинг Алматы шаҳрида Ўзбекистондан келганларни «Тоҳир Йўлдошевнинг ҳузурига

жўнатувчи марказ» ташкил қилган. У Т. Йўлдошев билан Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари ва Эронда учрашиб, катта миқдорда пул олган ва бу маблағни Ўзбекистондан қонган жиноятчиларни яшириш, қалбаки ҳужжатлар тайёрлашга сарфлаган. 16 февраль портлашларининг бевосита ижрочилари айнан Р. Маматқулов ёрдамида ҳорижа қочирилгани ва улар Т. Йўлдошевга бевосита алоқадорлиги ҳам суд мажлисида маълум бўлди.

З. Аскарлов ва Р. Маматқулов Туркияда Интернет томонидан қўлга олинб, Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига топширилган. Суд жараёни давом этмоқда. (У.А.)

## ТОШКЕНТ ОҚШОМ

газетасига 2001 йил учун обуна давом этмоқда!

Шаҳримиздаги барча алоқа бўлимларида «Оқшом»га обуна қабул қилинмоқда.

Вақтни ғанимат билиб газетга обунани ўз вақтида расмийлаштириб қўйсангиз 2001 йилдан, XXI аснинг биринчи кунидан бошлабоқ «Оқшом» хонадонингизга ўзи кириб бораверади.

Нашр кўрсаткичларимиз шундай:

Якка обуначилар учун — 209  
Ташкилотлар учун — 563

**Истеъмолчи! Еш-қари, турли касб ва хунар эгалари, турли мансабу лавозимлардаги кишилар, нафақахўру дам олувчилар — боринги, бешикдаги гўдак ҳам истеъмолчи. Ҳа, мамлакатнинг бутун аҳолиси хар қандай эҳтиёжини қондириш истагида бозорга, хизмат соҳаларига мурожаат этаркан — истеъмолчиға айланади. Ҳақиқатан бешикдаги гўдакка ҳам сўрич, сунъий сут ва бошқа озуқалар керак экан — у ҳам истеъмолчи эмасми?!**

Бинобарин, истеъмолчи манфаати деганда кенг маънода оладиган бўлса, аҳоли, бутун халқ манфаатини тушунамиз. Шунинг учун ҳам давлатимиз кенг халқ оммаси манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор тадбирларни амалга оширди ва ошириб келмоқда. Масалан, Истеъмолчи манфаатларини ҳимоя қилувчи қонун қабул қилинганга бир неча йил бўлди. Монополияга қарши таъсирчан кураш олиб бориш ҳамда соғлом рақобатни ривожлантириш доимий равишда ҳукумат назариде турибди. Бир вақтлар молия, вазирлиги қошида ташкил этилган бошқарма кенгаз бориб ҳамда ҳуқуқ ва мақоми орта бориб, бугунги кунда мустакил фаолият юритувчи кўмитага айланди.

## ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИ — МУҚАДДАС!

Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг шу йил июль ойидаги йиғилишида мазкур кўмита олдига истеъмол бозориде ҳақиқий, соғлом рақобат учун муस्ताҳкам замин яратиш, ташкилий, иқтисодий, молиявий шарт-шароитларни яқинда келтиришда етакчи куч, мувофиқлаштирувчи марказ бўлиб қолиш вазифасини қўйганди. Бугунги кунда ана шу вазифани бажара бориб, мазкур кўмита ва унинг ҳудудий бошқармалари кўпгина тадбирлар билан бир қаторда истеъмолчи манфаатларини ҳимоя қилувчи жамоат ташкилларини тузишга катта эътибор бермоқда. Шундай жамоат ташкилоти пойтахтимизда ҳам тузилган бўлиб, унинг аъзолари аҳоли назарига тушадиган ишларни амалга оширмоқдалар.

Чунинчи, пойтахт аҳлидан тушган ариза ва шикоятлар вақтида қўриб чиқирилиб, таъсирчан чоралар қўрилишига эришилмоқда. Масалан, дўконлардан харид қилган буюмининг сифатсиз чикса ёки белгиланган кафолат муддати ичида ишдан чикса — уни алмаштириб олиш, қўрилган зарарни қоплаш ёки бепул таъмирлаш ҳуқуқининг бор. Пойтахт фуқароси Е. Шербаков Мирзо Улугбек туманидаги «SHARP» дўконидан тўнер сотиб олган. Ярим йил ичиде у икки марта бузилган, истеъмолчи тўнерни янғисига алмаштириб беришни талаб қилган. Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш кўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси аралашувидан сунггина харидор талаби қондирилган.

Хизмат қўрсатиш соҳасидан худди шундай бир мисолни келтириш мумкин. Яна бир тошкентлик фуқаро — Е. Оқрименко «Турк ҳаво йўллари» авиакомпаниясига қаршилик кассалдан «Миллениум» махсус тарифи бўйича транзит рейсига билет сотиб олиб, ундан фойдаланиш имкони бўлмади ҳолиб, билетни қайтарган. Лекин компания бундай қилишдан қатъиян бош торт-

ган. Бунда улар ушбу йўналиш бўйича белгиланган, инглиз ва турк тилларида ёзилган қондаларни рўқча қилишган. Юқоридеги ҳудудий бошқарма аралашувидан кейин Е. Оқрименконинг қонуний ҳуқуқи тикланди, билетнинг пули қайтарилди.

Қўриб турибсизки, истеъмолчилар ҳуқуқини амалда самарали ҳимоя қилиш учун қонуний асослар мавжуд ва уларни кенг миқёсда қўллаш мумкин. Шу ерда эътиборингизни бир нарсага жалб этишни истардик. Мавжуд қонунлар, шу жумладан, биз таҳлил этаятган «Истеъмолчи манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун тўлақонли ижро этилиши учун фуқароларимизнинг — яъни сиз билан бизнинг томонимиздан муайян ҳаракатлар бўлиши, фаоллик қўрсатиш талаб этилади. Ахир бола йиғламаса онаси кўкрак тутмайди, деб бежиз айтишмаган. Амалда эса кўп ҳолларда ҳамшаҳарларимиз харид қилган буюмлари, озиқ-овқат махсулотлари сифатсиз чикганини қўриб туриб, қўл силтаб қўя қолишади. Ваҳоланки, уни қўтариб сотувчиға олиб бориб, ўз аҳқларини талаб қилишлари керак.

Ёки яна бир эътиборсизлик, тортинчоқлик аломати ҳақида ҳам айтиб ўтиш зарур. Яъни бирор буюм ёки озиқ-овқат махсулотини харид қилаётганда унинг ҳақидаги маълумот-тавсифномани (сертификатни) талаб қилиш, ёхуд харидингиз билан бирға қанча пулни қачон, қайси дўконға тўлангани қайд этиладиган касса чиптасини олишига истиҳолда қилишининг ҳожати йўқ. Чунки бу чипта сизнинг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқингизни ҳимоя қилишда асосий ҳужжат сифатида асослади.

Мана — қўз фасли ҳам шиддат билан ўтиб борапти — ҳадемай қўч-қўронини қўтариб қиш ҳам кириб келади. Ўйлар яхши иситилмай қолиши, иссиқ сув, газ билан таъминлашдаги хизматлар сифати пасайиши мумкин. Шундай ҳолларда ҳам қўч қаватли уйларида туривчилар ўз ҳуқуқларини талаб қилиб, тегишли тартиб ўрнатилишига эришишлари мумкин. Бунда албатта қўриқилган тартибда зарур чоралар қўрилиб, ўша хизмат соҳаси ёки иссиқлик етказиб бериувчи идораға мурожаат этиб, улар эътиборсизлик қилишича — суд идораларига тегишли далолатнома ва бошқа ҳужжатлар топширилса — дарҳол тартиб ўрнатилишига эришиш мумкин.

Қўпгина уйлари иситишдаги камчиликларни бартараф этишда ёрдам сураб туман ҳокимликлари, бошқа идораларға мурожаат этиш ҳоллари ҳали ҳам одайти тусда давом этаятганиға қўзингиз тушиб туради. Мабодо, бунинг ўрниға тегишли тартибда ҳужжатлар тўлланиб, бир марта судға мурожаат этсангиз, иккинчи бундай камчиликлар содир бўлмаслиги аниқ.

Демократизм, биз истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ҳуқуқий асослар етарли ва улардан самарали фойдаланишни ўрганишимиз истеъмол бозоридеги фирмаларни, харидор ҳақиға, миждоз манфатарига ҳиёнат қилувчилар сонининг кескин қамайишиға самарали таъсир этган бўларди.

Саид ВАЛИЙ.



Шаҳримизда кенг қўламда бунёдкорлик ишлари олиб борилюмоқда. СУРАТЛАРДА: (сўғда) моҳир курувчилардан Мираҳмад Саидалиев, Курганбой Мусобеков, Эркин Иброҳимовлар қурилуш лойиҳасининг бориши тўғрисида ўзаро фикрлашмоқда; (чапда) ушбу лойиҳа асосида қуриляётган янги турар жой биноси.

### Нишондорларимиз

## МЕҲНАТ ҚАДРИ

Хар бир инсоннинг ҳаётида чарақлаган кўнлари бўлади. Ана шундай кўнларда одам ўз бахтидан энтиқали, ўтаётган умр зарварларини шундай фараҳбахш дамларға бой бўлишни орзу қилади. Бу орзуға у, албатта меҳнат, тинимсиз изланиш ва интилиш орқасидан эришади. Ўзининг чарақлаган дамларидан энтиқиб, эл-юртға фойдаси тегаётган инсонлардан бири Жалолиддин Исомовдир.

Жалолиддин Исомов 28 йилдирки бир жамоада меҳнат қилиб, унинг муваффақиятларига ҳисса қўшаятган, ютуқларидан илҳомланиб ишлаётган, бутун касб маҳоратиға тўлаган тажрибаларини меҳнат жараёниға бағишлаётган кишилардан саналади. 1972 йилда Тошкент политехника институтининг химия-технология факультетини тўлағушда меҳнат фаолиятини смена технологиясидан бошлаган Жалолиддин Исомов астойдил ҳаракатлари, билими, уквувай бўлса керак, жамоадорларнинг, раҳбарларнинг эътиборини торди. Чунки у бугунги ишни эртаға қолдирмайдиган, бошлаганини эса охириға етказадиган йиғилтар тоифасидан эди. Албатта, унинг бу хислатлари ўз натижаларини берди. 1989 йилдан смена услитлиғиға ўтказилган Жалолиддин корхона ҳиссадорлик жамаиятиға айланган энг катта цехлардан бири — макарон цехиға раҳбарлик қила бошлади. Йиллар давомиде тўлган тажриба мана шу ишда, айниса қўл келди.



— Цехимизға 1990 йилда Италиядан келтирилган замонавий линия ўрнатилган, — дейди цех раҳбари. — Хозирда цехда 78 нафар ишчи ҳамжihatликда фақат халқимиз дастурхонига юқори сифатли макарон махсулотни етказиб бериш йўлида меҳнат қилмоқда. Чунки барча бугунги бозор иқтисодиёти талабларини яхши тушунади. Харидорнинг ҳам махсулот сифатиға талаби қўчийган. Ана шунди эътиборда тутган ҳолда макарон махсулотининг сифатиға, турларига эътибор қаратамиз. Бугунги кунда цехда ишлаб чиқарилаятган 12 турдаги макаронлар харидорлар талабини қондиришмоқда.

Ушбу цехда кунига 35 тонна макарон махсулотлари тайёрланади. Жалолиддин Исомов эса хар бир жараёни ўз вақтида кузатиб боради, линиядан унумли фойдаланишға, ишининг бир маромда олиб борилишиға эришади. Цехда меҳнат қилаётган ишчи-ҳизматчининг ўз вазифаси ва бурчи бор. Хар ким бунинг яхши тушунади ва шунға риоя қилади. Чунки цех раҳбарининг ўзи ҳамisha вазифасини сидқидилдан адо этиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлади.

Албатта, бежирим қадоқланган махсулот харидор учун ҳам қўлай: Бунинг яхши тушунаган жамоада пойтахтимиздаги «Левентуль» фирмаси билан ҳамкорликда макаронларни чиرويли па-

кетларға қадоқлашға эришилди. Бу ишда ҳам Жалолиддин ака бош-қош бўлиб жонбозлик қўрсатди. Эндиғи режа эса махсулотни 100 фоиз қадоқлашға эришишдир. Бунинг учун Италиядан янги қадоқлаш дастурхонини келтириш режаланган. Шунингдек, цехға 12 хил янги турдаги сифатли макарон махсулотлари тайёрланадиган янги хоржий линия ўрнатиш устида иш кетмоқда. Шу билан биргиледа бу ерда хоржий шериклар билан ҳамкорликда қўша корхона ташкил этиш, пойтахтимизда тайёрланган рақобатбардор махсулотларни жаҳон бозорига чиқариш режалари ҳам бор. Ушбу режаларни амалға тадбиқ этишда тажрибали цех бошлигининг ҳам муносиб ҳиссаси бўлади.

Инсон ўзидан яхши ному муносиб шогирдлар қолдиришға интилиши, шубҳасиз, Жалолиддин аканинг ҳам шогирдлари аниқгина. Баракали меҳнати билан устозлари ишончини оқлаган Исмом Иброҳимов, Носир Раҳимов, Шавкат Аблямов, Дилбар Нарзиқодинаева сингари шогирдлар бугун улар билан ёнма-ён камарбаста бўлишмоқда.

Мақоламиз бошида инсон ҳаётининг чарақлаган кўнлари ҳақида фикр билдирган эдик. Бу бежиз эмас, албатта. Жалолиддин Исомовнинг ҳам ҳаётида ана шундай кўнлар кўп.

— Лекин энг чарақлагани, энг бахтлиси, — дейди у фаҳр билан, — Мустакиллик байрами муносабати билан Президентимиз Фармонига қўра «Шўҳрат» медалиға сазовор бўлган кўнимдир. Чунки бу мустақил Ўзбекистонимининг, азиз халқимизнинг менға ишончи, меҳнатимнинг муносиб қадрли. Юртимға, элимға, одамларға эзгу-ният билан хизмат қилишни ўзинининг шарфли бурчим деб ҳисоблайман.

Ана шундай яхши ниятли кишилар бор экан, уларнинг қалбидеги ишқлар, меҳнат шижоатининг жўш уриши она-Ватанимизни яншатаятларди, уларнинг офтобли кўнлари эса қўпаяверади.

Шарофат БАҲРОМОВА.  
СУРАТДА: Жалолиддин Исмомов,  
Сергей Любич олган сурат.

### Бандлик

Ҳамза тумани меҳнат органи ҳусусий тадбиркор уста тикувчи Гузал Назарова билан шартнома тузиб, зарур шарт-шароитлар яратиб, уларға ўз ёрдамларини қўрсатмоқда. У ерда хар йили 30 дан зиёд хотинкиз ўзбек миллий кийимларини тикиш сир-асрорларини муқаммал ўрганмоқда. Бу момо мерос хунарни опа-сингилларимиз жондали билан, зўр иштиёқ ва ҳавас билан ўрганмоқдалар.



## ТИКУВЧИЛИК СИРЛАРИНИ ЎРГАНИШМОҚДА

— Ҳамза тумани меҳнат инспекторлари маҳалла оқсоқоллари билан биргиледа маҳаллалардаги хар бир хонадонларға кириб бормоқда, — деди туман меҳнат органи директори Вера Қодирова. — Маҳалладаги банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлашда меҳнат инспекторларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Еш қизларимизға келажак ҳаётида уларға мос келадиган хунар ва умумларни, миллий хунар-мандчилик асосида уста-шогирд ёрдамида ўргатилмоқда. Биз билан тузилган шартномаға асосан хар 4 ойда 10 нафар кам таъминланган оилалар фарзандларини ёки ногирон хотин-қизларни тикиш-бичишни ўрганиш учун юборамиз. Улар ушбу мутахассислик бўйича 4 ой давомида таълим оладилар. Шу билан биргиледа улар 2 минг сўмдан стипендия ҳам бериб турамыз. Бундай

ўқитиш ишларининг қўлай томонларидан яна бир жиҳат шундаки ўқувчилар бевосита топшириқларни ўз уйларида бажариб ёки фазилатларини яна бир бора қалби-мизға жо этдик, — деди ўқувчилардан бири Нодира Раҳмонбердиева. — Келажакда биз ҳам худди устозимиздек моҳир тикувчи бўлиш ниятидамиз.

— Менинг бу йўналиш бўйича биринчи устозим онам бўлган. У киши «хунарли инсон хор бўлмайди» деб кўп бора уқтирар ва бизни ҳайсидир бир хунарни ўрганишға ундар эди, — деди уста тикувчи Гузал Назарова. — Мана энди онам айтганларидек уша хунар орқасидан обрў тоғдим, рўзгорим бут. Харқалай инсоннинг ҳаёти давомида бошқаларға ўргатадиган илми ҳам бўлса, кетган умриға ачинмайди. Тикувчилик касби аёл учун энг зарур хунарлардан бири деб биламан. У истайдими ёки йўқми ҳаёти давомида тикиш-бичиш ишларига тез-тез дуч келаяверади. Ҳа, албатта, дарҳақиқат ҳатто бугун ҳам жойиға қаддини эйлаб олмайдиган айрим қизларимиз эртанин турмушда жуда қийналади. Барибир ўрганиш керак. Албатта орауларим кўп. Келажакда «Машҳура» фирмасидек машҳур бўлиб, бежирим либослар билан юртдошлар кўнглидан жой олиш.



Очлик ХАЗРАТОВ.  
СУРАТЛАРДА: (юқорида) уста тикувчи Гузал Назарова шогирдлари Нодира Раҳмонбердиеваға бичишни ўргатмоқда; (пастдаги суратда) шогирдлар тиккан либослар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

## МАСЪУЛИЯТ БОР ЖОЙДА

Хар фаслнинг ўз гаши бор, деймиз. Шу билан бирға унинг ўз вазифаларини ўзига ҳос тайёргарликлар бўлади. Бун хар бир соҳа ҳодими яхши тушунади. Айниса, киши фаслининг қорли-қировли кўнлари транспортчилар зиммасиға икки масъулият юклайди, десак муболаға бўлмайди. Эрта тондан ишға, ўқишға оланган йўловчиларни ўз вақтида, ҳавф-хатарсиз манзилларига, кечки пайт эса уйлариға, шунингдек кўн бўйи турли юмушлар билан чиккан одамлар узоғини яқин қилишға бел боғлаган хайдовчиларнинг вазифаларига муносабати, албатта бу даврда янада ортади. Шунинг учун ҳам транспортчиларнинг қишға тайёргарлик ишлари билан танишиш максасида «Тошшаҳарйўловчирас» давлат уюшмасида бўлиб, ишлаб чиқариш-техника бош бошқармаси бошлиғи Вячеслав КИМға бир неча саволлар билан мурожаат эдик.

— Вячеслав Алексеевич, транспорт воситаларини кузги-кишки мавсумиға тайёрлаш ишлари қандай олиб борилюмоқда?

— Бу йил ҳам хар йилгидек қишға тайёргарлик ишларини эрта баҳордан бошлаганимиз. Уюшма корхоналарининг 2000-2001 йилги кузги-кишки мавсумиға талаб даражасида тайёрлаш максасида шу йилнинг 13 мартада 81-сонли буйруқ чиқарилди ва режа-тадбирлар ишлаб чиқилди. Унга қўра режа-тадбирларни белгилашда ўтган йилда йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳисобига олинди, таҳлил қилинди ва уларни бартараф этишға алоҳида эътибор қаратилди. Махсус тузилган штаб эса корхоналарда кишки мавсумиға тайёргарликни нафақат назорат қилди, балки уларға амалий ёрдам ҳам қўрсатди. Корхоналарнинг кузги-кишки мавсумиға тайёргарлиги ана шу белгиланган режа асосида амалға оширилди ва ҳозирда охириги юмушлар тугатилмоқда. Хар бир корхонада бажарилятган ишларни пухта ўрганиш максасида сентябрь ойидан бошлаб уюшма комиссиясининг кучма штаблари корхоналарда ўтказилмоқда.

Барча ҳаракат воситаларига техник хизмат қўрсатиш ишлари пухта бажарилди. Шу билан биргиледа хайдовчи-

лар билан суҳбатлар, ёш кадрлар билан эса қўшимча йуриқномалар ўтказилди. Автосаройлардаги маъмурий ҳама ишлаб чиқариш бинолари, цехлар таъмирланди, иссиқлик тизимлари, қозонхоналар, ёнилиги қуйиш шохобчаларидаги носозликлар ҳам тугатилиб, улар мавсумиға шайланди. Бир сўз билан айтганда, уюшмамиз ҳодимлари бутун куч ва имкониятларини мавсум тайёргарлигини ҳамжihatликда ва ушқоқликда ўтказишға сарфламоқдалар. Асосий максасимиз эса пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига намунали хизмат қўрсатишдир.

— Уюшма таркибиға қиланган «Узотайўл» автобусларидан ташқари транспорт воситалари келтирилмади. Лекин шунға қарамай боридан унумли фойдаланишға ҳаракат қилинмоқда. Ана шу эски техникаларни бутладда эса уюшма таркибидеги мавжуд 2 та заводнинг аҳамияти каттадир. Бу «2-автомобиллаш заводи» ва «Ремэлтранс» ҳиссадорлик жамаиятидир. «2-автомобиллаш заводи» ҳиссадорлик жамаиятида уюшма автокорхоналарининг автобуслари капитал таъмирланиб, шу билан бирға уларға керакли эҳтиёт қисмлар ҳам ишлаб чиқарилди. Ҳозирги кунда ушбу жамоат мутахассислари томонидан 90 та тур-

тури метрода юриш имкониятини ҳам бериб, вақтдан ва маблағдан тежашға ҳам эришилди. Сентябрь ойидан бошлаб метрополитен хизматидан фойдаланувчилар сони кунига 120 минг йўловчиға қўпайди. Кейинги ойларида эса уларнинг сони бундан ҳам қўпайиши кўзда тутилди. Бу бошқа жамоат транспортларида йўловчилар оқимининг бирмунча нормаллашувиға ёрдам берди.

— Нима учун автобусларда чипта сотувчилар (кондукторлар) бўлишға қарамай охириги бекатларда фақат олд эшикдан пул йиғиб олинади? Бу таҳририятимизға мурожаат этиётган кўлаб йўловчиларнинг саволлари, албатта.

— Бундай шикоятлар бизға ҳам бўлиб туради, албатта. Шундай пайтларда уша транспорт воситаси ҳайдовчи ва чипта сотувчисиға кескин чоралар қўрилади. Йўловчиларнинг ўрнили эътирозларини хар доим инобатта олишға ҳаракат қиламыз.

Агар ана шундай ҳолатлар, яъни жамоат транспортда кондукторнинг фақат олд эшикдан пул йиғиб олиш ҳоллари учраса, албатта 133-19-35 телефони орқали бизға маълум қилиши мумкин. Яна шу ўринда баъзи бир йўловчилар ҳам эслаб ўтишни истардим. Ойлик йўл чипталарини фақат «Йўловчирас» фирмаси бошлиғи Салоҳиддин АСОМИДДИНОВдан ҳам бир неча саволларимизға жавоб олдик.

— Салоҳиддин ака, йўловчиларға яратилаятган қўлайликлар нималарда кўриноқда?

— Шунинг айтишнинг лозими, максасимиз йўловчиларни манзилларига хизмат маданиятини оширган ҳолда етказиб қўйишдир. Бунинг учун йўловчиларға хар томонлама қўлайликлар яратишға интилоқдамиз. Шу йилнинг сентябрь ойидан бошлаб амалдаги йўл чипталари билан бирға янги турдаги ойлик йўл чипталарини жорий этдик. Бу барча транспорт турларидан фойдаланувчи йўловчилар, айниса талаба ва ўқувчилар учун яхшигина қўлайлик бўлди. Ойлик чиптанинги

Сухбатдош  
Шарифа ИЛЕСОВА.

Ёшларимиз орасидан иктидорлиларини саралаб, хорижда таълим олишга юбориш имкониятининг яратилиши таълим соҳасида эришяётган ютуқларимиз сирасига кириди. «Умид» жамғармаси томонидан Буюк Британия, Франция, Германия, АКШ, Япония ва бошқа мамлакатларга кўплаб ёшларимиз жўнатилган.

Биз Буюк Британиядаги «Дурхам» университетида тўрт йил давомида тахсил олиб қайтган, ҳозирги кунда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси Мирзо Азиз Рўзиёв билан у ердаги таълим тизими, шарт-шароитлар тўғрисида суҳбатлашдик.

— Англияга биринчи мартаба борганингизда ўзингизни қандай ҳис қилдингиз?

— Англияда ўтказган илк кунларим ҳаёлимда ўчмас таассуротлар қолдирди. Ҳар дақиқа биз учун янгилик эди.

шади. Урта мактабда билим олиш жараёни ўн беш ёшгача давом этади. Шу вақт мобайнида умумий ўқиладиган фанларни ўрганилади, яъни бизга ўшаб математика, она тили, адабиёт, тарихдан дарслар ўтилади ва ҳоказо. Ўн йил мактабда ўқиган

бошланади. Уч йилдан сўнг улар бемалол ишлашлари мумкин. Аммо ундан ташқари «Мастерс Дигри» (Masters Digry), яъни Магистратура ва «Пи-Эйч-Ди» — Аспирантура (PhD) да таълим олишни давом эттириш мумкин.

— Мирзо Азиз, Англияда яшаб юрган кезларингизда асосий ўрганган нарсангиз нималар бўлди?

— Англияда мен ҳуқуқ ва иқтисодиёт соҳаси бўйича ўқидим. Тўғри, у ернинг ҳуқуқ тизими бизникидан анча фарқ қилади, аммо Европа мамлакатлари билан олиб бориладиган ҳамкорлик ва ўзаро алоқалар давомида бу билимлар асосидаги ишончим комил. Бу билимларни эгал-



Вазира Зайниддинова Тошкентдаги 22-мактабда ўқувчиларга араб тилидан дарс бериб келаётган ўз касбига фидойи устозлардандир.



Дугоналар ўзаро суҳбатда. Равиль Альбеков олган суратлар.

# ШАРҚ ДУРДОНАЛАРИ

## «Оз-оз ўрганиб» домо бўлур...

60-80-йилларда «Тошкент оқшом» саҳифаларида пайдо бўлган ва муштарийлар эътиборини қозонган «Шарқ дурдоналари» руқни билан «Оз-оз ўрганиб доно бўлур...» сарлавҳаси остидаги одоб-ахлоқ мавзудаги мақолаларни яна «Оқшом»да ёритишда жонбоқат қўрсатаётган шарқшунос олим ва иктидорли шоир Махмуд Хасаний эллидик ортик таржима, табиқ ва илмий асарлар муаллифи ҳамдир. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Шарқ кўлэмалари хазинасининг муdiri, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Махмуд Хасанийнинг «Обихаёт томчилари» китобида ҳам одоб-ахлоқ масалалари бош мавзу сифатида турлади. Ундаги ҳар бир публицистик хикояларнинг ҳикматли тўртликлар орқали берилгани ҳам муштарийларни оз-оз ўрганиб доно бўлиш сингари яхши фазилатлар сари етаклайдики, буни ёритиладиган дурдоналарни ўқигач ана шунга яна бир бор амин бўласиз.

# ҲАЁТТИ МАҚТАЛБИ

Ҳаёт — улуг мактаб. Бу мактаб ичида киши пишиб етилади, улгайди ва тажриба орттиради. Ҳар нарсдан бир ибрат деганларидек, яхшидан ибрат олади, ёмонларнинг феълини такрорламасликка интилади. Луқмони Ҳакимдан: «Одобни қилман ўрганидинг?» — деб сўраганларида: «Беодобдан, унда қандай ёмон нарса кўрсан, уни қилишдан қочдим!» — деган экан.

**Адаб билан одам иззат топади, Обруёу шарафу хизмат топади.**  
**Адаб соҳиб-ла сўзлашган киши, Рухига дармону лаззат топади.**  
Ҳикматларда: «Одоб аҳли билан ҳамсуҳбат бўлиш гуллар ҳидини уфурётган тонг насимидан ҳам ширин» дейилади.

**Инсон азизлиги адаб туфайли, Эдаб лазизлиги адаб туфайли.**  
**Катта-кичик учун ёқимлилиги, Ширин тамизлиги адаб туфайли.**  
«Оталар сўзи» китобида ёзилишича, ота-онаси ўлган одамни эмас, одобни йўқ одамни етим демоқ керак.  
**Беадаб эл ичра забун бўлади, Дабдаб ечимас тугун бўлади.**  
**Аллаҳи кишининг ёрлари шод, Юзи эса доим гулгул бўлади.**

Бир кун Букрот Ҳакимдан: «Одобли билан одобсизнинг ўртасидаги фарқ қандай?» — деб сўрадилар. У: «Гапирадиган ҳайвон билан гапирмайдиган ҳайвон орасидаги фарқ каби», — деб жавоб берди.

**Беадаб эл ичра доимо хордир, Бир оғиз ширин сўз эшитмай,**  
**Зордир.**  
**Ҳеч кимга ёқмағай феълу автори, Кенг дунё унинг-чун бир умр тордир.**

«Ҳаёт энг яхши мураббийдир, — дейилади «Оталар сўзи» китобида, — мураббийси бўлмаган одамни ҳаётнинг ўзи тарбиялаб қўяди».

Бу каминга ҳам ҳаёт мактабидан сабоқ олар экан, ундаги ибратли дарсларнинг мазмунини қозғога тушириб, сиз азиз китобхон билан ўртоқлашмоқчи бўлиди.

**Ҳаётни мен улуг бир ромчи дейман, Кўркам жамолани ихомчи дейман.**  
**Унинг ҳикматлари бир денгиз бўлса, Ёганим денгиздан бир томчи дейман.**

Ҳаёт мактабида кўрган — кечирганларимни Саъдий «Гулистон»и ва Жомий «Баҳористон»идаги ҳикоятларга тақдир қилиб ёзишга ҳаракат қилдим.  
**Ҳайёмдек қўлда жом деб ўйлама, Бедалдек сўз мулки ром деб ўйлама.**  
**Кўлдан не келса ҳақмасин ёзди, Пушта бўлмаса-да, ҳам деб ўйлама.**

Унда хурматли қилбоғоҳим Махдум Восилийнинг ҳамда ака-укаларимнинг ҳаётдан лавҳалар келтирдим, дусту ёрлар ва ҳамкасбаларимнинг ҳаёт боғларидан гуллар тердим. Ҳар бир ҳикоятни ўз таъбимдан қуйиб қичқан назм дурлари билан безашга ҳаракат қилдим.

**Ёганим тотлиқда сўё бол бўлса, Оламнинг юзида мангу хол бўлса.**  
**Жаҳонда бор экан одамнинг зоти, Уқлса, ёлланса, безавал бўлса.**

Донолар, дунёда узидан бирон ёлдорлик ёки яхши ном қолдириш — инкинчи ҳаёт, дейдилар. Шундай экан, шоир у олимлар ҳам ўз асарлари орқали инкинчи ҳаётни яшайдилар.

**Биров дейди: — Обру бу мол бўлармиш,**  
**Моли борнинг оғзи нақ бол бўлармиш.**  
**Яхши ном мен учун абдий бойлик, Бу бойлик, айт, қачон завоал бўлармиш.**

Олим ёки шоирнинг қаламидан чиққан ҳар бир сўз ўзи учун эмас, халқ учун бўлмоғи, одамларга манфаат ет-

казмоғи шарт. Шоирнинг вазифаси эса назм жавоҳирлари билан халқни улуглаш ва унинг юрагига завку шавқ бағишлаб, номини асрлар қаърига қолдиришидир.

**Ёганим «оз-оз»лаб, ёганим ёган, Қаламимни солаб ёганим ёган.**  
**Нима ёмай, қанча ёмай барибир, Халқимни ёзволлаб ёганим ёган.**

Юртимиз ва халқимиз ўзининг буюк орзусига, яъни Истиқлолга эришди. Аллоҳнинг инояти билан ажиб замонга бизга ўз жамолини кўрсатди.

**Ҳаётда бундан зўр замон бўлмағай, Яхшилар кўп, унда ёмон бўлмағай.**  
**Қадрига етмаса ҳар ким замонни, Замонда ҳеч қачон омон бўлмағай.**

Ўзбек халқи истиқлол туфайли яшарди, эркин меҳнат қилиш ҳуқуқига эга бўлиди, овоз нафас олади, кучига куч қўшилди, шубҳасиз, у қуруқдан ҳўл, тошдан эса зар чиқарадиган даражага эришди.

**Ўзбегим ҳар хушқанд тар пайдо қилур,**  
**Осмонга қўл урса дар пайдо қилур.**  
**Олтин қўлин суртса тоғ ила тошга,**  
**Тоғ ила тошлардан зар пайдо қилур.**

Ўзбек халқига ҳам, юртига ҳам ҳеч ким даҳл қилтолмайди. Мамлакат Юртбошиси айтгандек, ўзбек халқига Худонинг ўзи назар қилган.

**Билади ҳар кимки хабарин топан, Ўзбегим Худонинг назарин топан.**  
**Ҳар кимки ўзбекка қўли кўтарса, Албатта замона зарарин топан.**

Кесалар дуоси нишонга беҳато тегувчи ўқдир. Юртимизнинг барча ота-он ва онахонлари ҳаминша дуода экан, мамлакатимиз равиқ топаверлади. Улар бир оғиздан Аллоҳга илтижо қилиб, дейдилар:

**Тинчлигу тотувлик замонда бўлсин, Юртимиз ҳақиқат омонда бўлсин.**  
**Халқимиз бахтиёр бўлсин ҳаминша, Иқболу барака хирмонда бўлсин.**

Биз, шарқшунос олимлар учун Истиқлол буюк йўлларини очиб берди. Маданиятимиз ва маънавиятимиз тарихига оид дондан асар устида бемалол ишлайдиган бўлдик. Қуръону ҳадислар юртимизга қайтди, олим у машойхлар қайта тирилди, чанг босиб ётган асарлар юзидан парда қўтарилди.

**Юртимга Худонинг саломи\*\*\* келди,**  
**Қайтадан муқаддас Каломи келди.**  
**Исломи чин ислом айламоқ учун, Исломи кўтариб, Исломи келди.**

Халқимиз илм нури билан қалбини мунаввар қилиб, ҳужудини маънавий бойлик билан бойитмоқда, комил инсон даражасига етиш учун меҳнат қилмоқда ва тер тўқмоқда.

**Ботирга мушкул ҳам ўта осондир, Танбаланинг топанни вазу карсондир**  
**Ўзини ўйламай, эли ўйлаган, Барчанинг наздида комил инсондир.**

Азиз оқшомхон! Ҳадисларда, мусулмон одам мусулмон одамнинг ойнасидир, дейилди. Мен, қўлимдан келганча, сиз учун ойна тайёрладим, шу ойнага назар солиб, ўзингизга оро берангиз ва феълу атворингиздаги айрим нуқсонларни унда кўриб, ойна юзидан маҳв этарангиз, деган умиддаман.

**Хомтоқдан ҳар бир том камолга етар,**  
**Бағри ҳаво олиб, шалмога етар.**  
**Хомтоқ қилинмаса инсон феълу ҳам, Ҳовлаб кетиб, охар заволга етар.**

**Сўзингни одамлар малол топмасин, Маъно жиҳатидан маҳол топмасин.**  
**Сўз ёсанг, шунчалар ўйланб ёзки, Ҳар бири минг йиллаб завоал топмасин,**  
**дея сўзини шу ерда мухтасар қилувчи шарқшунос дўстнинг ва хайрихоҳ биродарингиз**

**Махмуд ҲАСАНИЙ.**

\* Хуш — қуруқ, тар — ҳўл.  
\*\* Дар — эшик.  
\*\*\* Салом — тинчлик.

# ТАЪЛИМ

## ОРЗУНИ УШАЛТИРАЁТГАН «УМИД»

### — У ердаги инсонларга бўлган меҳр-оқибат ва бошқа фазилатлар ҳақидаги фикрларингиз.

— Менимча, инсонлар бир-бирдан анча фарқ қилинмайди. Фақатгина улар бир-бирдан яшаётган тарзи, урф-одатлари билан фарқланишлари мумкин, ҳоло.

Бизда шундай қараш борки, англияликлар гўёки жудаям совуққон, меҳмондўстликдан йироқ халқ. Аммо улар орасида юргандан кейин бу фикрнинг нурунлигига ишонч ҳосил қиласиз. Асосий фарқ эса, бутун Европа аҳолиси индивидуализм асосида ривожланган. Яъни ўз-ўзидан бировнинг ҳаётига аралашиб йўқ. Зарур бўлганда қўлларидан келганча ёрдам беришади.

### — Англияда ўрнатилган таълим тизими сизни қониқтирдими?

— Бу мамлакатда болаларни беш ёшдан мактабга беришади ва улар энг содда дастур асосида ўқитилади. Яъни худди бизнинг боғчалар каби ўқиб, ёзиб, санаб, чиқишлар тоза ҳавода ўқайладиган ўқувчилар билан биргаликда олиб борилади. Уч йиллик бошланғич таълимдан сўнг ўрта мактабга ўти-

қувчи ўқишни битирган ҳисобланади. Ўқишни давом эттиришни хоҳловчилар эса яна уч йил давомида «Эй-ле-вел» асосида ўқишади. Эътибор берган бўлсангиз Ўзбекистонда биринчи курс талабалари мутахассисликларига оид билим олмайдилар. «Эй-ле-вел» эса ўқувчиларга шундай имкониятни яратадики, ҳар бир ўқувчи бевосита ўз соҳасига алоқадор фанлар асосида ўқитилади. Учинчи йилнинг охирига келиб, ўқувчилар битирув имтиҳонларига астойдил тайёргарлик кўришади. Бу имтиҳонлар ўз ичига университетга кириш имтиҳонларини қамраб олган бўлади. Ҳар бир университетнинг кириш шартлари, маълум фанлардан йиғиш лозим бўлган рейтинг баҳолари мавжуд. Битирувчиларнинг имтиҳонлари ёзма равишда ўтилиб, шу шартларни бажаришдан иборатдир. Уларнинг ишлари «ЮКАС» (University and College Admissions Service) деб номланувчи ташкилот орқали университетларга тарқатилади. Имтиҳон натижаларига қараб бўлажақ талабалар аниқланади. Шундан сўнг улар ўз мутахассисликлари бўйича асосан уч, баъзан тўрт йил давомида бакалавр даражасида ўқитилади, яъни «Эй-ле-вел»дан йиғган билимларини янада чуқурлаштириш

лашдан ҳам кўра асосий ўрганган нарсам ўз устимда ишлаш, деб биламан. Англиядаги тизим ўзи шунга мослаштириб қўяр экан. Бизда, масалан маърузаларда талабалар иштирок этишлари мажбурий, дарс пайтида уларнинг келган-келмаганликлари ҳақида даволат юритилади, конспеклар ёздирилади. Англияда бу нарса умуман йўқ. Дарсларга қатнашсанми, қатнашмайсанми бу ўзининг ишинг, лекин шу фанни ўзлаштириш, токи охириги имтиҳонлардан ўтиб олиш учун.

### — Сир эмаски, бугунги кунда аксарият талабаларнинг орзуси чет элларда ўқиш. Бу ниятларига эришишлари учун уларга қандай маслаҳат берган бўлардингиз?

— Биринчидан, чет элларда ўқиш ниятлари бўлган талабалар ўша мамлакатнинг тилини чуқур ўрганишсин, ўз устида тинмай ишлашсин. Иккинчидан, мен ўтган «Умид» дастурида маънавият ва маърифатга катта аҳамият берилган. Эди, шунга ҳам эътиборга олган ҳолда ўзимизнинг тарихимизни, урф-одатларимизни ҳам чуқур билишимизни лозим экан.

**Хилола САЛОЕВА суҳбатлашди.**

### ТЎЙДАН KEЙИН ТОМОША

Милиция идорасига кийимлари қонга беланган киши зўр-базўр кириб келди. Жароҳатининг оғирлигидан у биргина воқеа содир бўлган кўчанинг номини айтиди-ю, гўрсе этиб ерга йиқилди. Зудлик билан етиб келган «Тез ёрдам» машинаси жабрланувчини олганча тун қаҳрини ёриб, касалхона томон ошиқди.

Тезкор гуруҳ айtilган кўча томон жўнади...

Кўча бўйлаб икки йиғит келарди. Улар бир-бирларини қўлтиқлашиб олгандан барабар чайқалишди. Йиғитларнинг анча-мунча қайғуларини борлиги шундоққина сезилиб турибди. Шу дамода улардан бирининг қўлидаги пичоқ чирок нурида ялтираб кетди. Машина шубҳали йўловчилар ёнида тўхтади.

Йиғитлар сергак тортишди. Пичоқни кўча четидан ариқ сувига улоқтиришди.

Туман ички ишлар бўлимида ҳам улар узларини безеб-тезича тутишди. «Биз дўстимизникидан келаямиз, бошқа ҳеч нарсани билмайми», деб туриб олишди. Худди шу вақт навбатчи хонасига ўрта ёшлардаги бир аёл эркак киши билан ҳовлиқиб кириб келди. Аянинг аёл ҳажжонини яширолма, ҳамон унинг қўллари титраб, лаблари асабий пир-пирларди.

— Биласизми, — деди у, — мен шубҳекатда машинадан тушиб, уйимиз томон шошиб борардим. Тўсатдан олдимдан икки йиғит чиқди. Улардан бири қўлидаги пичоқни биқинимга тиради, кўрқиб кетдим. Кейин устимдаги чарм курткамни ечиб олмоқчи бўлганида ёрам сўраб, додлаб бақирдим. Газандалар бошимдаги қимматбаҳо шапкамни юлқиб олишди-ю қочибди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтгани йўқ. Уйга бориб эрим билан бу ерга етиб келдик. Балки жиноятчилар ҳали ўша атрофда саниб юришгандир. Улар яна бирон-бир кишига зиён-заҳмат етказмасин дейман-да.

Аянинг кўзи бирдан студда ўтирган йиғитларга тушиб-ю, ранги бўздек оқарди. Бирдан ўзини эрининг орқасига олди.

— Мана шулар...

Йиғитлар ҳар қанча уринмасин, барибир сирлари фош бўлди.

Ҳаммадан ҳам жабрланувчи аялнинг сўнги сўзлари кишини ўйлантиради.

— Вой тава, ёнгинамиздаги бекатда одам тула. Уларнинг баъзилари бу воқеани кўриб, кўрмасликка олиб туришди. Бақирганимдан

кейин бир-икки хотинлар, қариялар олдимга келишди. Қолганлари эса мутлақо лоқайдлик билан қариб тураверишди.

Жабрийданнинг юракдан айтган сўзларини тинглай туриб, бир воқеани эсладик. Бундан бир йилча муқаддам Юнусободдаги балиқ маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўкан ва қаҳвахона олдига куппакундуз кўни содир билан воқеа, унинг иштирокчилари ёлдан сира чиқмаса керак. Шу атрофдаги пиво-бар эшиги тагида уч-

тойишмайди булар.

— Қани энди ушлаб олиб, адабини бериб қўйсанг.

— Шу ҳам гап бўлдики, укалар, — дея бир аёл улардан ўнкалади. — Кўратуриб қўл қовуштириб ўтирдиларинг-у энди бо-тириқ қиласизлар-а.

Аянинг гапидан мулзам бўлган милиция хизматчиси ҳам, атрофини ўраб турган ёш-яланглар ҳам четга тарқаб кетишди.

### БИРОВНИ ДЕБ БАЛОГА МЕН ҚОЛАЙМИ?

Хусанжон янги «Жигули» миниб келганида уйда тўй бўлиб кетди. Қўни-қўшилар йиғилишди. Оилани янги машина билан табриқлашди.

Меҳмонлар тарқалгач Ҳакимахон йўлакда ярқираб турган машинага завқ билан тикиларкан, эрига сўз қотди:

— Даласи, энди машинани қасрга қўямиз?

— Шунга ҳайронман-да, онаси. Шахсий гараж қуриш мумкин эмас, пуллик гараж эса биздан икки даха узокда бўлса.

— Ана шу йўлакда тургани маъқул. Галма-гал кўриқлаб чиқсак ҳам майли. Ҳар қалай машинамиз олдимизда, қўлимизни тўқ бўлади.

Шунга келишидди. Эр-хотин навбатма-навбат кўриқ-чилик қилишадиган бўлишди.

Орадан бир неча кун ўтиб кечки ётар чоғида Ҳакимахон эрига тўғрилади:

— Машинаям улсин. Кечаси билан уқолмай қундузи ишхонада мудраганим-мудраган.

— Мени айтмайсанми...

— Шу кун эр-хотин донг қотиб ухлаб қолди.

Ҳакимахон эрта тонгда қўчиб ўйгонди. Сакраб ўрнидан турди. Дераздан йўлакка қўни тушиб-ю юраги шув этиб кетди. Эри бепарво хуррак отарди.

— Ҳой, туринг, машина йўқ...

Хусанжон ток ургандек санчиб ўрнидан турди. Йўлакка бир қараб олиб, хотинига ўшқирди:

— Ким олиб кетди?

— Вой, мен қақдан билай ким олиб кетганини? Юзуринг, милицияга хабар беринг.

Бехаловат кўнлар бошланди. Шундай кўнларнинг бирида Ҳакимахонлар яшайдиган кўп қаватли уйнинг юқори хонасида истиқомат қилувчи қўшини янги гап топиб тушди:

(Давоми 4-бетда).

# ЛОҚАЙД БЎЛМАЙЛИК

### Турмуш чорраҳаларида

Суд ҳукми асосида ёзилаётган ушбу ҳаётий лавҳаларга юқоридаги руқни ва сарлавҳани қўйдигу, ўйланиб қолдик. Албатта бугунги кун талабидан келиб чиқадиган бўлсақ лавҳаларимизни умумий тарзда шундай номлаш маъқул кўринди. Лекин айни чоғда бизни: «Хўш, биз ҳаминша ҳам сергак ва хушёримизми? Давр олдимизга қўйган ўз уйимизни ўзимиз кўриқлашдек долзарб вазифага масъулият билан қараб, уни виждонан адо этаямизми?» деган саволлар бироз ўйлантиради. Тўғри, бу бурчимизни имкон қадар адо этаямизми ҳам инкор этиб бўлмайди. Чунки бу хусусда маҳалларда, туманлар ва шаҳар миқёсида олиб бориладиган ибратли ишлар бундай деишимизга тўла асос бўла олади. Бирок, ҳар қанча олқанмадан соқит қилишга уринмайлик, барибир бу борода ҳали ҳам қонимизга сингиб кетган лоқайликка йўл қўйиш ҳоллари учраб турганини тан олмай илжонимиз йўқ. Ишонч билан айта оламизки, агар шундай бўлмаганида қуйдаги воқеалар юз бермасди.

тўрт ўспирин ўралишиб юрарди. Улардан бири олдидан ўтиб бораётган болади аёлга сўз қотди. Орадан сўмча кўтариб келаётган киши (аянинг турмуш йўлоғи бўлса керак) йиқиниб қўйди-ю илжониди. Қуракда турмайдиган сўзлар қайта-қайта такрорланавергач, йиғит тўхтаб ёшларини тартибга қаққирди. Худди шунга кўтиб тургандек безорилар унга ташланшди. Бегуноҳ кишини тепкилаб кетишди. Бечора хотин «ёрдам беринглар» деб бақиради, йиғилганлар гўё уни эшитмагандек воқеани томошабин сингари кузатиб туришарди. Шу ерда юрган милиция кийимлиги йиғит эса панароқ жойга ўтиб олиб, бардан чайқалиб чиқадиган кишиларни суроққа тутиб, «тартибга» қаққириб билан овора.

«Ёлғиз отнинг донги чиқмаса, деганларидек аянинг эри ҳар қанча чапдастик қилмасин, тўрт кишига бас келолмай ҳолдан тойиб йиқилди. Шер бўлиб кетган ҳамтовоқлар уни тепкилай-тепкилай жуфтак-ни рошлаб қолди. Тўшланганлар энди тилга киришди.

— Бир бечорани ўлдириб қўйишдан ҳам

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залда ҳалқаро тинчлик маданияти йилга бағишланган «Машриқу мағр.б: замон ичра мулоқот» деб номланган кўргазма бўлиб ўтди.

Кўргазма Бадий кўргазмалар Дирекцияси томонидан Ўзбекистон Бадий академияси ва БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ёрдами билан тайёрланиб унда Давлат санъат музейи, Бадий кўргазмалар Дирекцияси, Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон Миллий банки галереяси, мусаввирлар ва коллекциячиларнинг 300 дан ортиқ рангтавир, графика ва ҳайкалтарошлик асарлари намойиш этилди.

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залда ҳалқаро тинчлик маданияти йилга бағишланган «Машриқу мағр.б: замон ичра мулоқот» деб номланган кўргазма бўлиб ўтди.

Кўргазма Бадий кўргазмалар Дирекцияси томонидан Ўзбекистон Бадий академияси ва БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ёрдами билан тайёрланиб унда Давлат санъат музейи, Бадий кўргазмалар Дирекцияси, Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон Миллий банки галереяси, мусаввирлар ва коллекциячиларнинг 300 дан ортиқ рангтавир, графика ва ҳайкалтарошлик асарлари намойиш этилди.

## МАШРИҚУ МАҒРИБ: ЗАМОН ИЧРА МУЛОҚОТ

Шарқ ва Ғарбнинг ўзаро таъсири натижасида вуҳудга келган санъат намуналари экспозицияда ўз аксини топган. Ўзбекистонга ХХ аср тунгида Европада кириб келган дастгоҳли рангтавир шакли Ўзбекистон замининда ўзига хос омухта услубга айланиб, ўзининг рангдорлиги, қизиқарилиши композицион ечим ва пластик уйғунлиги билан кўргазма асосини ташкил қилади. Кўргазмадаги асарлар шарқона экзотика, рангдорлик ва Шарқ фалсафасини ўзида акс эттириб, нафақат Ўзбекистон, балки чет эл санъат ихлосмандларини ҳам мафтун этди.

Ўзбек рассомларининг АҚШ, Англия, Германия, Франция, Канада ва бошқа қатор давлатларда ўз шинавандалари борлиги, уларнинг асарларга бўлган талаби кучайиб бораётгани ҳам шундан бўлса керак.

Кўргазма Шарқ ва Ғарбнинг ўзаро таъсири акс этган катта кириш қисмидан бошланиб, бу икки маданиятнинг ўзаро алоқаси жуда қадимдан, илк цивилизация даврларидан бошланиб, Буюк ипак ва лазурит йўллари ўзида икки буюк маданият алоқаларини ташкил этган.

Марказий бўлим Буюк ипак йўллари билан лазурит йўллари алоқаларини ташкил этган.

қадран бошланади? Франциядаги Шартр ибодатхонаси нақшлари билан Хуросон гиламлари ўртасида қандай умумийлик мавжуд? Балки ғира-шира ибодатхонага тушиб турган бир ҳовуч нур гиламлар узра ҳосил қилган камалакни пайкаб олиш учун Шарқ осмони остида туғилиш керакмикин? Пол Валерини эсладим; Шартр безаклари бу — кумушсимон, ложувард ранглар, мийбўёқ, Шарқ...». П. П. Беньковнинг импрессионистик руҳда суртилган, рангтавирга ёруғлик, ҳаво ва фазовийлик олиб кирган асарлари қаторида «Ховуз ёнида» (1929) машур асари ҳам намойишга қўйилди. Бир пайтлар Париж кўргазмасида муваффақиятли иштирок этган Қорахон асарлари ҳам экспозициядан муносиб ўрин эгаллади.

Илк миллий рассомларимиздан бўлмиш Ҳ. Тансиқбоев, ҳозирги кунда фахримиз бўлган — буюк мактабнинг машур шогирди сифатида ўша анъаналарни бизгача етказиб бера олган Абдулҳақ Абдуллаев, шарқ анъаналарининг бетакрор давомчиси Ч. Аҳмаров, нафисликда ажойиб Усто Мўмин ва бошқа рангтавир асосчиларининг ажойиб асарлари ҳам кўргазмада намойиш этилди.

Ушбу кўргазмада 40, 50, 60, 70, 80, 90-йилларда турли жанрларда ижод қилган, ўз асарлари билан таъсирли санъатимиз тараққиётига улкан ҳисса қўшган истеъдодли ўзбек рассомлари ижодига мансуб турли рангтавир асарлари ҳам кенг намойиш қилинди ва у санъат шинавандалари қалбига олам-олам завқ ва шавқ бағишлади ҳамда уларни Машриқдан Мағрибгача замон ичра мулоқотга чорлади.

**Феруза МИРЗАЕВА,**  
**Камолитдин Бехзод номидаги рассомлик ва дизайн миллий институтининг талабаси.**

## Бу — қизиқ МАШХУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

Улуғ кишилар ва донишмандларнинг мияси тушида ҳам тинмай яши ишлайдиган лабораторияга ўхшар экан. Кўп улуг кишилар янгиликларини тушида уйлаб топилган.

— Вольтер Генрида — кўшиқларини; Сардини — флажолет уйинлари назариясини; Ньютон — математик ҳисобларини; Альберт Эйнштейн — тенглаштирма назариясини; Менделеев — даврий система-лар жадвалини тушида кўриб, жорий қилган.

Донишманд одамларнинг ақлга сиймайдиган оғир ишлари — ўзига шариот яратилмайдиган, қариндош-уруғларидан, аразлашиб туришлик ва оиладан ажралиб кетишга мажбур қилишган.

— Шопенгауэр, Декарт, Кант, Спиноза, Микеланджело, Леонардо да Винчи, Ньютон, Гейне, Бетховен, Гоголь, Тургеневлар уйланишмаган.

«Донишмандлар қачон туғилади?» деган масалада, одатда одамлар орасида тўнғичлар ичидан чиқади, деган фикрлар кенг тарқалган, буни немис олимлари исботлашган.

— Ф. Франклин — 17, И. Мечников — 16, Ф. Шуберт — 13, Г. Вашингтон — 11, Вебер — 9, Наполеон — 8 фарзанд экан. 75 донишманд одамнинг таржимаи холи ўрганилганда шулардан фақат 5 тасигина (Леонардо да Винчи, Г. Гейне, Д. Милтон, Брамс ҳамда Рубинштейн) тўнғич фарзанд экан.

Қобилиятли одамларнинг тахминан 80 фоизи оталарнинг ёши 30 дан ошган экан.

**Қидирбой Тўлабоев**  
**хорижий манбалар асосида тайёрлаган.**



Шаҳримиздаги 468-болалар боғчаси тарбиячиси Дилором Боботуллаева тайёрлов гуруҳи болалари билан кўғирчоқ томошасини тайёрламоқда. Равиль Альбеков олган сурат.

## Болалар хандаси

— Норбой амаки бор-у, мени ёмон кўради, деб уйлардим. Ундаймас экан, — деди Нури онаси-га.

— Қаёқдан билдинг?

— Боғига мура-лаб, шафтолисининг оқидан олсаммиким ёки қизғиш зарғаз-доғиданми, деб тур-сам, амаки ғимирсиб юрган экан, олсан-а, олсан. Кўрсатиб кўяман қанақасидан олишинини, деб қол-дилар.

— Дилшоднинг бир қилигини сизга айтмайман, ойи-жон.

— Қанақа қили-гини?

— Мураббони тўқиб, сизга ҳеч қолдирмай еганини..

— Дада, вақтл-роқ туринг. Далада қовун узамиз, дев-дингиз-ку.

— Қовун узши эр-тага қолди. Буғун эрталабдан пиёз утокқа тушамиз, қизим.

— Ундай бўлса бе-малол ухлайверинг. Ширинакка берар-камман, деб вақтл-роқ турувдим. Вой, яна ухлагим келяп-ти..

Жажжигина Дил-шод мева даракла-рининг оппоқ гулла-рини биринчи бор кўриб, қувончи ичи-га сиймади.

— Дада, боққа тез кириш. Ҳамма оқ қанақалар дар-рахларувазаа ёпи-шиб олишибди.

— Мунча қаттиқ гапирмасанг, қуло-гимни тешвординг-ку, болакай.

— Қулоғингиз бу-ваминикига ўхшаб бе-килиб қолганми, деб уйлабман.

**Ғани АБДУЛЛАЕВ.**

## Назм ҒАЗАЛАЛАР

Хотири ёди била паршондур бу кўнгила,  
Бир алам исёндан нотавондур бу кўнгила.

Жонимга бермай амон чектирса ғаму алам,  
Ғам била келса алам хонумондур бу кўнгила.

Гардиши даврон кун чичирмиш фиғонимни,  
Жопдан тўйиб бу жоним суломондур бу кўнгила.

Мени истар гўзални истамас кўнглим нечун,  
Бул фалакнинг жабридан зимистондур бу кўнгила.

Кўнглим истар ул гўзал демагай кўнглим меним  
Бул қаронгу кечаларда шамистондур бу кўнгила.

Тунни уларман тонга, тонни уларман тунга,  
Қон йиғлабон шул мақом қонистондур бу кўнгила.

Офтоб кўрмса бу кунлар, ой йўқолган бул тунлар,  
Афрон чекса Уктамий ғамистондур бу кўнгила.

Бу фалак етказмаса зорим долоромумаму,  
Етказгай охирати сарви гуландомумаму.

Ҳар кечаким йўғладим бир қадаҳ май тутгали,  
Топмагач тундан амон етказгай пайғомумаму.

Топмаган майдон амон, топмагай аламдан амон,  
Маю алам етказмаса етказгай ғам шомумаму.

Тиларман зору зору, дору дору, хору хору,  
Бир қадаҳ май ичгали етказ деб бадномумаму.

Ғам бирён, бода бирён, жом тилайдур ишқдан амон,  
Ким зорилмаса даврон замон етгай комумаму.

Кима дедим: «Етказгай!» ниҳонлигим ҳасратин,  
Бу фалак бедодидан етказ оҳим қомумаму.

Фано етказмасу Уктамга бақо етказгай,  
«Етказ» деб йиғларман ҳар саҳар худкомумаму.

Бўлдиму телба янглиғ мохтабона ошиқ,  
Чехраи мохтабон мисли ризвона ошиқ.

Ватан деб йиғлайинму, улус деб йиғлайинму,  
Удним дегила ундандан гўзал бўстона ошиқ.

Умр гулин кўйида чекдим ортиқ афгонлар,  
Демади: «Мен қарвона, сенкам сарбона ошиқ».

Ишқнинг бахридан кечмай, кечсам икки дунёдан,  
Утгум бўлиб фанодан афри найсона ошиқ.

Кўрдиму ё кўрмадим, билдиму ё билмадим,  
Дедиларким: «Ошиқсан — сарви равона ошиқ».

Мук йиқилдим бодага, аймо нафис кўрмадим,  
Майдон устун сархун — ўлдим ниҳона ошиқ.

Уктам холин сўраманг, хушдан айрилиб охир,  
Ул бечора ўлмишким анбарифнона ошиқ.

Кечдим эмди кулбадан мен, тарк айларман уйқуни мен,  
Кечаларим ишқимдан мен, тарк айларман қайғуни мен.

«Тарк айлағил» дедим ё раб, тарк айларим йўғлаб ҳаргиз,  
«Насиб ўлгай» дедим гузару, кўрмам нечун гузаруни мен.

Кечсам агар бу дунёдан, кечиргайми у дунёдан,  
Икки дунё қилса сарсон, қандай севим бадхўни мен.

Тонг йиғларам маънос-маънос, тун йиғларам ғамнок-ғамнок,  
Неча аср билмам ёрон унутганмаи кулғуни мен.

Ишқ султонини коми бирла зорилмади даврон ё раб,  
Умид этмам ишқ аҳлига бу каби қоранғуни мен.

Заҳри тун кесилмиш эрди гўйиё ашқимдан бу тун,  
Ёрсиз қолиб абад-азада сундоримму кузғуни мен.

Толиби содиқ изларам ким келсаму кулбам сўраб,  
Ҳар кеча тушимда кўрғум Уктам энди утруни мен.

**Уктам ҲАКИМАЛИ.**

## Турфа олам ИТМИ БУ ЁКИ...

Инсон итга айланиб қолиши мумкинми? Мумкин экан. Вальтер Скот деган кимса итчасига ҳаёт кечирарди. Кичкинагина уйчада бир ўзи яшарди. Лекин ана шу уйчага дайди итлар тез-тез келиб ту-

ришар, Скот ўзи учун қайнатган суяклардан уларга ҳам улашар эди. Уни одамлар доим итлар учун консервалар сотадиган дўконда кўрадилар. Скот узоқ йиллар шундай яшарди. Яхшигина иш жойи, севган

чикар, кундузлари ухларди. Скот итлар тўдасига қўшилиб, ахлат титадиган бўлди. Одамлар унга ортган овқатларни бериб туришарди. Бир кун Скот алақадан келиб қолган урғоч ёлдор ит билан бирга юрди-ю шу билан одамларга қайтиб кўринмади.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ.**

ҳатто телефон рақами ёзилган гувҳомани тўтқазди.

— Уч-тўрт кундан кейин келиб сизларни ховли тўйига айтиб кетаман. Албатта бора-сизлар-а!?

Эртасига хонадонидан хабар олиш учун келган Эркинкой уйига кириди-ю, ханги манг бўлиб қолди. Қараса хона шип-шийдон, не машаққатлар билан узатиладиган қизига атаб қўздан узоқ деб бекитишга шу уйга келтириб қўйган мебеллар-у гиламлар йўқ. У ёқ-буёққа югурди, сўраб суриштирди. Кўшилардан ижарачининг янги манзили ёзилган қоғозни олиб, Чилонзор қайласан деб югурди. Афсуски, у ердан на шу манзилдаги уйни, на Зулхуморни топа олди.

Бу гапни эшитиб пулига чув тушган кўшилар ҳам оқ-воҳга тушиб қолишибди.

Орадан йил ўтдики, ҳамон «банк хизматчиси»дан дарак йўқ. «Ўзингга эҳтиёт бўл, кўшинингни ўғри тутма» деганлари шу бўлса керак-ла.

Хулоса тарзида бир донишманднинг қуйидаги таърифини келтирсак ўрилик бўлади. «Душманлардан қўрқма — нари борса, улар сени ўлдирини мумкин. Дўстлардан қўрқма — нари борса, улар сенга мунофиқлик қилиши мумкин. Лекин лоқайд одамлардан қўрқ — улар ўлдирмайдилар ва мунофиқлик қилмайдилар, ammo улар жонингга берарно қараб турардилар. Мана шу лоқайдлик туфайли, ер юзиде ўрилик, фирибгарлик ва қотиллик ҳужм суралди».

Шу ўринда яна бир нарсани қайд эттишга тўғри келади. Афсуски, мана шу лоқайдликнинг ўз бошимизга тўқмоқ бўлиб тушганини кўпчила ҳаёлимизга келтирмаймиз. Ахир бугун кўпчиликнинг машинасини ўғирлаган, содда аёлни ечинтириб кетган, беозор кишиларга жароҳат етказган ўғри ва безори эртага ўзимизга ҳамма қилмадиларми ким қоғалат бера олади? Ушбу лавҳаларни ёзишдан мақсад ҳам ана шу. Лоқайдлик балосидан ҳаминча ҳоли бўлайлик.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.**

лан уй-жойини эрига ташлаб чиқиб кетибди. Яқинлари унга шу уйни ижарага олиб беришибди.

— Кўшиқонлар, сира ийиманиб ўтирманглар. Мен банкда ишлаймам. Мабоодо мента ишингиз тушиб қолгудек бўлса ҳеч тортинманглар, ёрам беришга тайёрман.

Бу аёл кўп ўтмай кўшилар билан опасингил бўлиб кетди. Маҳалла оқсоқоли келиб сўраб-суриштирган эди, кўшилар болбиллаб беришибди.

— Вой, фаршатадек хотиннинг нимасини сўраб суриштирасиз, мулла ака? Қўйинг,

## Турмуш чорраҳаларида ЛОҚАЙД БЎЛМАЙЛИК

эрининг ўзи қўйиб юборган экан.

— Киройи кўшининг бўлса шунақа бўлса-да.

Оқсоқол аёлларнинг гапига ишонди. Зулхуморни йўлига сўраб-суриштирган бўлди-да, жўнаб кетди.

Ҳаёт экан-ла, кимнинг банкда ишлайдиган кўшинисига иши тушмайди дейсиз. Зулхумор дастлаб шундай «ёрамга муҳтожлар» истатини бекаму кўст баҳо келтириб юрди. Кейин унинг «муҳлислари» кўпайди. Буюртма устига буюртма тушарди. Кўй оғзидан чўп олган аёл кўшилар энг учинда узатган пулларни санамай олаверди. Лекин доллар қилиб қайтаришга келганда пайсалга солди. Бир гал гўё банкни назоратчилар текшираётган бўлишибди, бошқа сафар яна бир баҳона уйлаб топилди. Кўшилар охириги марта уни кўч-кўронини машинага ортаётганида кўришибди.

— Ҳай тинчликми, овсинжон?

— Вой, мен ҳам одам бўлиб, янги уйда яшайдиган бўлдим. Ишонамдан ўзимга икки хонали уй беришибди.

У кўшиларга янги уйнинг манзили,

— Биримиз сиздек лобар, ширинсухан жувонларга ҳаминча очик, — деди яна биронининг кўша-кўша тила тақинчоқларига сўқландиб боқиб.

Танишув бошланди. Зулхуморнинг эри унга ҳиёнат қилиб уйнаш тутибди. Зулхумор бунисига чидабмай, хотин боши би-

**Бош муҳаррир**  
**Ақмал АКРОМОВ**

Манзилимиз:  
**700000, Тошкент шаҳри,**  
**Матбуотчилар кўчаси, 32**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 132-11-39.  
факс: (3712) 133-29-09.

**Душанба, чорпанба ва жума кунлари чиқади.**  
**Нашр кўрсаткичи — 209**

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.  
Қўғоз бичими А-2

**Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.**

Рўйхатдан ўтти тартиби: №10.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа конферни босмахонаси.**  
**Корхона манзили:**  
**«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**